

## Испанияда номаълум кимсалар масжидга ҳужум уюштирди



16:00 / 24.06.2019 2860

Испаниянинг автоном шаҳри бўлган Сеутада, бугун икки номаълум шахс мотоциклда келиб, масжид томонга қарата бир неча бор ўқ узган. Бу ҳақда [islam-today.ru](http://islam-today.ru) хабар беради.

Шаҳар полициясининг маълумотига кўра, жиноятчилар масжид томонга тўрт маротаба ўқ узган. Жабрланганлар йўқ. Бироқ воқеа содир этилган жараёнда масжидда ибодат қилаётган мусулмонлар ўқ овозини эшитиб қўрқувга тушганлар.

Дастлабки маълумотларга кўра, жиноятчилар икки киши бўлган. Улар воқеа жойидан қочишга улгурган. Ҳозирда уларни қўлга олиш бўйича ҳуқуқ-тартибот ходимлари иш олиб бормоқда. Мазкур иш юзасидан тергов

ишлари бошланган.

***Islom.uz*** портали таҳририяти